



ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР СИНОНИМИЯСИ АСОСИДА ГРАДУОНИМИК ҚАТОРЛАР ҲОСИЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Джумабаева Жамила Шариповна,
ЎзМУ, Инглиз филологияси кафедраси мудири, ф.ф.д.
Кушманов Жасур Баходирович,
УрДУ, таянч докторант*

Калит сўзлар: *фразеологик бирликлар, градуонимия, синонимия, антонимия, градуонимик қатор.*

Тилшуносликда лексик градуонимияга оид илмий мақола, илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлиб, градуонимиянинг бошқа семантик категориялар сирасидаги ўрнига ҳам катта аҳамият берилган. Фонетик, лексик, морфологик, синтактик ҳамда стилистик сатҳда градуонимиянинг ўрганилиши, уларнинг хусусиятларини нафақат бир тилда тадқиқ этиш, балки турли тизимли тилларда уларнинг чоғиштира тадқиқини амалга ошириш ушбу ҳодисанинг бошқа лисоний воситаларда ҳам мавжудлигини текширишга туртки бўлмоқда. Хусусан, турғун бирикмаларнинг пайдо бўлиши, уларнинг структур ва семантик таҳлил тадқиқ этилиши ушбу бирликларнинг функционал, стилистик ва грамматик хусусиятларини аниқлашга олиб келди. Аммо фразеологик бирликларнинг гуруҳлаштирилиши, тематик классификация қилиниши ва уларнинг турли тизимли тиллардаги эквивалентларини чоғиштириш орқали амалга оширилган тадқиқот ишлари ўзининг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини яратилган монография ва қўлланмалардан кўриш мумкин.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб даражаланиш ҳодисаси ўзбек тилида тадқиқ этилиб, лисоний муомалага киритилган бўлса, кейинчалик даражаланиш тушунчаси градуонимия термини билан синоним сифатида ишлатила бошланди. Ушбу ҳодисани бошқа тиллар материали асосида тадқиқ этишга бўлган қизиқиш тобора ортар экан, даражаланиш ҳодисасига берилган ушбу ном, яъни градуонимия

барча тилларда ҳам қўлланилиши учун қулай ва бошқа семантик категориялар сирасидаги ясаиш, талаффуз ва маъновий жиҳатдан тўғри танланганлигини таъкидлаш лозим. Н.Воҳидованинг немис тили материали асосида олиб борган тадқиқот ишлари Европа олимлари томонидан маъқулланди ва бу ҳодисанинг немис тилининг бир қатор корпусларига киритилиши ҳақидаги таклифни ҳам қабул қилишди. Шунингдек, Ж.Джумабаеванинг лексик ҳамда стилистик градуонимияга бағишланган докторлик диссертациясида инглиз тилида ҳам градуонимия ҳодисасининг мавжудлиги ўз исботини топди [Джумабаева; 2016]. Ушбу тадқиқот ишида нафақат лексик, балки стилистик градуонимия чоғиштира планда тадқиқ қилинишига қарамадан, унда фразеологик бирликлар градуонимияси алоҳида тўхталинмаган. Ушбу мақоламизда фразеологик бирликларнинг даражаланиш қаторларини ҳосил қилишда қайси тамойиллар асосида амалга оширилиши билан бирга айнан лексик градуонимия тадқиқидаги бир қатор эътиборга олинган жиҳатларнинг фразеологик бирликларнинг тадқиқида ҳам қўлланилиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилинган.

Фразеологик бирликлар нутқимизнинг жозибadorлигини ва ифодалилигини оширади, уларнинг бошқа тилдаги мос эквивалентини танлаб қўллаш таржиманинг адекватлигини таъминлаши каби жиҳатлари кўплаб олимлар томонидан бир неча бор таъкидланган. Шунингдек, уларнинг структур жиҳатдан таҳлили уларнинг классификация



килинишига олиб келган бўлса, семантик хусусиятларини таҳлил қилиш орақали уларнинг қайси мазмунни ифодалашига кўра классификация қилиниши имконини яратган. Ушбу тургун бирикмалар бир бутун мазмунни бир нечта лексик бирликларнинг бирикувидан ҳосил қилинган восита сифатида мавжудлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу каби ибораларнинг антонимлари, синонимлари ва вариантлари мавжудлиги ҳам олимлар томонидан исботланган.

Фразеологик бирликларнинг синонимлари хусусида Ш.Раҳматуллаевнинг илмий тадқиқот ишларида ҳам бир қатор фикрлар баён этилган бўлиб, “Синонимия фразеологик бирликларда ҳам анчагина. Шу сабабли сўзлардаги бу ҳодисани лексик синонимия деб, ибораларда эса фразеологик синонимия деб аташ, бир синонимия уясида ҳам сўз, ҳам ибора қатнашса, лексик-фразеологик синонимия ҳақида гапириш ўринли. Буларнинг барчаси биргаликда луғавий синонимия ҳосил этади” [Раҳматуллаев, 1966; 61-62].

Шунингдек, Д.Ю. Апресян [Апресян, 2010] ўзининг бир қатор асарларида, фразеологик синонимларга тўхталар экан, уларнинг тасниф этилишига эътибор қаратамиз. Олимнинг фикрича, ибораларнинг маъноси, синонимик функцияси, синтактик шакли ҳамда контекстуал шартланиши фразеологик синонимияни ҳосил қилувчи асосий белгилар, яъни мезонлар сифатида эътироф этилади. Демак, фразеологик бирликларда синонимия билан бир қаторда антонимик муносабатлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бир қатор олимлар турли тизимли тилларга мансуб тилларда, уларнинг чоғиштира тадқиқини амалга ошириш асносида ушбу семантик муносабатнинг ҳам фразеологик бирликлардаги ўзига хос хусусиятларини очиб беришган. Жумладан, Розенталь Д.Э., Голуб И.Б., Теленкова М.А. томонидан яратилган “Современный русский язык” [Розенталь ва б.; 2002], шунингдек, бир қатор илмий тадқиқот ишларида ҳам бу каби масалалар кўрилган.

Г.И.Волкотрубнинг “Фразеологические антонимико-синонимические парадигмы современного русского языка” мавзусидаги номзодлик диссертациясида нафақат фразеологизмларнинг синонимияси, балки антоним-синоним парадигмаси тадқиқ этилган [Волкотруб, 1991]. Бу каби ишларни кўплаб келтириш мумкин, нафақат битта тил доирасидаги фразеологизмлар синонимияси, балки турли тизимли тилларга хос иккита тил фразеологизмларининг синонимик хусусиятларини чоғиштириб ўрганган олимларимизнинг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Гап градуонимия ҳақида борар экан, лексик градуонимияни тадқиқ этган олимларимиздан О.Бозоров, Ш.Орифжонов, М.Нарзиева ҳамда Ж.Джумабаевларнинг [Бозоров, 1996; Орифжонов, 1997; Нарзиева, 1997, Джумабаева, 2014] ишларида синонимик ва антонимик муносабатларнинг ўзида бирлаштирилиши хусусидаги фикр ушбу ишларнинг ҳар бирида ўз исботини топган, демак фразеологик бирликларда синонимик ҳамда антонимик муносабат мавжуд экан, албатта, градуонимик муносабат ҳам мавжуд бўлиши табиий. Градуонимияга бағишланган юқорида номлари зикр этилган олимларнинг ишларида сўз юритилган, аммо уларнинг градуонимик қаторларини яратиш мезонлари, тамойиллари ҳамда қайси белгисига, функциясига ҳамда ишлатилиш кўламига кўра даражалаш бўйича аниқ тавсиялар ҳали ишлаб чиқилган. Шу боисдан албатта лексик градуонимиянинг тадқиқига таянган ҳолда фразеологик бирликлар градуонимияси устида тадқиқот олиб бориш, нафақат фразеологизмларнинг даражаланиш қаторларини ҳосил қилишга олиб келади, балки тилнинг жозибадорлигини даражалар орқали намоён қилиш, қолаверса, эквивалентлик масаласига ҳам ойдинлик киритади, шу билан бирга, даражаланган қаторлардаги бадиийлик, оғзаки нутққа ҳослик ҳамда контекстга ва функциясига кўра ҳатто битта маънони англатувчи бир нечта фразеологик



бирликнинг ўзи бир нечта градуонимик қаторлар аъзоларига эга бўла олишини кўришимиз мумкин. Буларнинг барчаси ҳар бир тил доирасида алоҳида тадқиқ

қилиниб, сўнгра чоғиштирма таҳлил орқали улардаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатлар аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Апресян Д.Ю. Исследование по семантике и лексикографии. Т. 1: Парадигматика М.: 2010.
2. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Монография. –Тошкент: 1995. – 131 б.
3. Волкотруб Г.И. “Фразеологические антонимико-синонимические парадигмы современного русского языка”. Дисс. ... канд.филол.наук. -Киев, 1991.
4. Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик градуонимия. Монография.- Тошкент: Мумтоз сўз. 2014. 152 б.
5. Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол.ф.док.....диссертация.- Тошкент: 2016.
6. Нарзиева М. Шахсни ёш жиҳатдан тавсифловчи отларнинг маъно таркиби: Филол.фан.номз....дисс. –Тошкент: 1992. – 160 б.
7. Орифжонов Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан.номз....дисс. – Тошкент: 1996. – 113 б.
8. Раҳматуллаев Ш. “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари”.- Тошкент: 1966. 61-62 б.
9. Розенталь Д.Э., Голуб И.Б., Теленкова М.А. “Современный русский язык” Айрис Пресс Москва, 2002.
10. <http://www.uzbekistan.be/press-releases/14-2008.html#;>
http://www.ut.uz/rus/strana/ee_otkritie_priznala_vsya_evropa.mgr.;
<http://www.press-uz.info/index.php?title=home&nid=4024&my=012008&st=10>

Джумабаева Ж., Кушманов Ж. Особенности формирования градуонимических рядов на основе фразеологической синонимии. В данной статье рассматривается синонимия фразеологизмов и их особенности. Перед тем как рассматривать образования градуонимических рядов фразеологических единиц, приводятся мнения ученых по лексической градуонимии. Так как лексическая градуонимия включает в себе синонимические и антонимические отношения, при образовании градуонимических рядов фразеологических единиц основой является синонимия и антонимия. Здесь также целесообразно считать градуонимией фразеологических единиц, если есть 3 члена градуонимического ряда. В случае ненахождения третьего среднего, предполагается вставить лексему в середину градуонимического ряда, которая дает основное и нейтральное значение фразеологических единиц данного градуонимического ряда.

Djumabaeva J., Kushmanov J. The peculiarities of formation of graduonymic lines on the material of phraseological synonyms. This article considers synonymy of phraseological units and their specific features. Opinions of scientists, concerning lexical graduonymy are revised before considering graduonymic lines of phraseological units. As far as lexical graduonymy units synonyms and antonyms, concerning phraseological units' graduonymic lines we can consider the same criteria, that synonyms and antonyms of phraseological units can create graduonymic line. When there are two members of phraseological units' graduonymic line as the third member, i.e. a neutral level of this line can serve a lexeme that can give the meaning of phraseological units of this line.